


## Нақд пул муомаласи бўйича қисқача шарҳ

2024 йил январь-июнь ойларида умумий пул тушумлари **385 трлн.** сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **30 фоизга** ўсган.

Ҳисобот даврида, умумий пул тушумларида терминал орқали тушумлар улуши 2023 йил I-ярим йиллигидаги **38 фоиздан 41 фоизга** ўсиб, унинг таркибида савдо ва хизматлар соҳасидан терминал тушумлари салмоғи **40 фоиздан 45 фоизга** ўсиши кузатилди.


**1-расм: Умумий пул тушумлари таркиби ва динамикаси**



2024 йил январь-июнь ойларида банклар орқали нақд пул айланмаси ҳажми **458 трлн.** сўмни (нақд пул тушумлари – 227 трлн.сўм, берилган нақд пуллар – 231 трлн.сўм) ташкил этгани ҳолда, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ошди.

## 2-расм: Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси


трлн.сўмда



Банкларга нақд пуллар тушумининг таркибий тузилишида кескин ўзгаришлар кузатилмади.

## 3-расм: Банклардан нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ва уларнинг мақсадлари бўйича таркибий динамикаси

трлн.сўмда




2024 йил январь-июнь ойларида банк карталарига **468 трлн.** сўм маблағлар кирим қилинган. Бу кўрсаткич 2023 йил мос даврига нисбатан **1,3 баробар**га ошди ва ушбу даврда банк карталаридаги **107 трлн.** сўм маблағлар нақдлаштириб олинган.

2024 йил январь-июнь ойларида банк карталарига келиб тушган маблағларнинг **23 фоизи** нақдлаштириб олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврида **24 фоизни** (2022 йилда 28 фоизни) ташкил этган.

**4-расм: Банк карталарига келиб тушган маблағлар ва уларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси**

трлн.сўмда



Банкларга тушган нақд пулларнинг уларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ Марказий банк томонидан муомалага қўшимча нақд пулларни чиқариш орқали таъминлаб борилди.

Жумладан, Марказий банк томонидан жорий йилнинг 6 оyi мобайнида муомалага қўшимча **4,1 трлн.** сўм нақд пуллар чиқарилди.

2024 йил 1 июль ҳолатига умумий пул массасидаги нақд пулларнинг улуши **21,1 фоизни** ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,7 фоиз** бандга пасайди.

**5-расм. Муомаладаги нақд пулларнинг пул массасидаги улуши динамикаси**

